

Қорақалпоғистонда «Сафо» масжидининг янги иморати фойдаланишга топширилди



09:45 / 31.10.2020 1625

Жорий йилнинг 29 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани «Амиробод» овул фуқаролари йиғинидаги «Сафо» масжидининг янги иморати фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида Эллиққалъа тумани ҳокими С. Авезов, Қорақалпоғистон муслмонлари қозиёти қозиси Ш. Бауаддинов, тумандаги масжид имом-хатиблари, фахрий нуронийлар иштирок этдилар. Маросимда туман ҳокими С. Авезов, Қорақалпоғистон муслмонлари қозиёти қозиси Ш. Бауаддиновлар сўзга чиқиб, намозхонларни бу қутлуғ даргоҳ, гўзал ибодатхона, эътиқод маскани билан қутладилар. Сўнгги йилларда мамлакатда дин эркинлиги соҳасида, намозхонларнинг эмин-эркин ибодат қилиш, шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Туман аҳолисини масжид очилиши билан табрикладилар.



Масжид қурилишида ўз кўмаklarини аямаган инсонларга ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мазкур масжиднинг янги иморатининг қурилиш жараёни 2018 йил ҳомийлар ва маҳаллий аҳолининг кўмаги билан бошланиб, 2020 йили қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ўз якунига етди.







Масжид қурилиши лойиҳага асосан ўта мустаҳкам таъмал тоши устига пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, мажмуасида 300-350 нафар намозхон учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, мўжазгина кутубхона ташкил этилган. Масжид чорбурчак шаклида бўлиб, унинг қишки намозхонаси тепасида маҳобатли гумбаз қад ростлаган.

Аллоҳ таоло янги масжидни мўмин муслмонларга муборак қилсин!